



QAROR

2008 йил "10" декабр

№ 1165-к.

Оқдарё тумани «Ўзбекистон» массивидаги «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалигини парандалари учун озуқа экинларини экиб фойдаланишга ер ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22-августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларини давлат, рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23-мартдаги ПК-308-сонли ва Самарқанд вилоят ҳокимининг 2006 йил 25-мартдаги 54-К-сонли қарорлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йил 28-мартдаги 69-сонли «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларидида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғига ва Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-моддасига асосан ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2008 йил 28-январдаги 3-3/4-104-сонли чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларини ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалиги аъзоларининг 2008 йил 16-сентябрдаги умумий йиғилиши қарорини, туманда Ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг 2008 йил 24-сентябрдаги хулосасини ва «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалиги раиси Э. Холикуловнинг ёзган аризасини кўриб чиқиб.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Ўзбекистон» массиви ҳудудидаги «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалиги аъзоларининг, паррандаларга озуқа экинларини экиб фойдаланиши учун 62-контурдан 5.0 гектар эуғориб ҳайдаладиган ердан ажратиш тўғрисидаги 2008 йил 16-сентябрдаги умумий йиғилиш қарори ҳамда туманда Ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.
2. «Тохир ва Зухро» фермер хўжалигининг туман ҳокимиятига берган 2008 йил 20 ноябр сундаги аризасига асосан фермер хўжалиги тугатилсин, унинг бир гектар боғ майдони «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалиги тасарруфига ўтказилсин.
3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (А.Жалолов)га «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалигининг еридан оқилона фойдаланишни назорат қилиш топширилсин.
4. Туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Ахмедов)га «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалигини болиявий фаолияти устидан назорат ўрнатилсин.
5. Туман статистика бўлими (З.Эргашев)га «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалигини статистик исоботларини тўғри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.
6. «Бахт-Эл-Оқдарё» фермер хўжалиги раиси (Э. Холикулов)га туман Давлат солиқ дорасига ҳамда статистика бўлимига ўз вақтида ҳисобот бериб бориш вазифаси юклатилсин.
7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Пардаев иммасига юклатилсин.

Қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

Туман ҳокими -

Н.Бердибоев